



ЙЎЛ ВА КЎПРИК ҚУРИБ, ОДАМЛАРНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН, МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛИШ ЭНГ САВОБЛИ ИШ

25 октябрь куни Қўнғирот — Бейнеу автомобиль йўлининг янгидан қурилган 240 километр қисми фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.



Бу йўл мамлакатимизни Европа давлатлари билан боғлайдиган стратегик автомагистралдир. Лекин узоқ йиллик қатновлар, Оролбўйининг кескин континентал иқлими туфайли яроқсиз аҳволга келиб қолганди. Шу боис, 2021–2024 йилларда 323 миллион долларлик лойиҳа эвазига замонавий қилиб қайта қурилди.

Давлатимиз раҳбари маросимда ушбу йўлнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди.

— Энди мамлакатимиз ҳудудларидан халқаро ташувлар масофаси 1 минг километрча, транспорт харажатлари эса 25 фоизгача камайдди. Бу йўл юртимизни Каспий ва Қора денгиз портлари орқали Европа бозорлари билан ишончли боғлайдиган логистика тармоғига айланади. Яна бир муҳим жиҳати — “А-380” халқаро йўлагининг Ўзбекистондан ўтган қисмида қулиқ транспорт қатнови 3 карра ошади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йўл жаҳон стандартларига ҳар томонлама мос, текис ва равон. У аввало халқимиз, қолаверса, хорижий туристлар ҳамда юк ташувчиларга қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш имконини беради.

Аввалроқ “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” халқаро автомобиль йўлининг бошқа қисмлари таъмирланган эди. Шу йил 29 февраль куни Амударё устида Қорақалпоғистон билан Хоразмни боғлайдиган янги кўприк очилди. Бундай ишлар одамлар ҳаракатига қулайлик яратиб, иқтисодий фаоллик ошишига, тадбиркорлик ривожланишига ҳам қўшимча туртки бўлади.

Ҳисоб-китобларга кўра, янги йўл атрофида 200 дан зиёд савдо-сервис объекти ва саноат корхонаси пайдо бўлади. Шунинг ҳисобидан дастлаб 2 мингта, келгусида эса яна 5 мингта иш ўрни ташкил қилинади. Шу тариқа Қорақалпоғистонда транзит ва бошқа

хизматлар ҳажми йилига 200 миллион долларга, мамлакатимиз экспорти эса камида 300 миллион долларга ошиши учун мустаҳкам замин яратилади.

Ушбу магистраль йўл ўтадиган Тўрткўл, Эллиққалъа, Беруний, Нукус, Хўжайли, Шуманай, Қонлиқўл, Қораўзак ва Қўнғирот туманларидаги 1 миллиондан зиёд аҳоли ҳаёти ўзгаради.

Президент мазкур лойиҳада иштирок этган қурувчи ва ишчиларга, Осие тараққиёт банкига, Туркия, Озарбайжон ва хитойлик пудратчиларга, Жанубий Корея ва италиялик консультантларга миннатдорлик билдирди.

— Йўл ва кўприк қуриб, одамларнинг узоғини яқин, мушкулени осон қилиш энг савобли ишлар қаторида туради. Биз бунёдкор йўл-созларнинг тимсолида ана шундай олижаноб, элнинг дуоси ва раҳматига сазовор бўлиб келаётган заҳматқаш инсонларни кўраимиз.



Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган бундай эзгу ишларимиз янада кўпайсин, — деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур 240 километр йўлнинг икки томони — Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот тумани ҳамда “Довуд ота” божхона постида ҳозир бўлганлар телекўприк орқали алоқага чиқди. Президент Шавкат Мирзиёев мамнуният билан йўлнинг очирилишига рухсат берди. Ушбу қувончли воқеа билан барчани мубораққод этди.

Маросимда давлат идоралари ва жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига муҳандислик иншоотларини мониторинг қилиш тизими тақдимот қилинди. Унга кўра, кўприкларнинг муайн нуқталарига электрон узаттичлар ўрнатилади. Улар орқали мустаҳкамлик ва хавфсизлик даражаси, ҳозиргидек

белгиланган муддатларда эмас, доимий назорат қилиб борилади. Кундалик меъёрдан ўзгариш сезилса, муаммо тезда аниқланиб, вақтида чора кўрилади. Бу кўприкларнинг узоқ вақт яхши сақланишини таъминлайди.

Шунингдек, бу тизим натижасида маблаг тежалади. 20 га яқин қоғоз шаклдаги ҳисоботлар рақамлаштирилади. Мониторинг маълумотлари 30 йилгача сақланади.

Шундай биринчи лойиҳа Тошкент халқаро аэропортига элтувчи, Бобур кўчасидаги янги йўл ўтказгичда қўлланди. Маросимда ушбу транспорт боғламаси ҳам тўлиқ очилди. Унинг умумий узунлиги 702 метр, эни 46 метр. Шунингдек, 2 та айлана ва 4 та ёйсимон “қанот”лар барпо этилиб, Кичик халқа йўли ҳамда Содик Толипов кўчалари билан самарали боғланган. Бу қайрилиб олишга ҳожат қолдирмай, автомобиллар ҳаракатини осонлаштирди. Умуман, ушбу транспорт

боғламаси 1 соат ичида 5 мингта, бир кеча-кундузда 132 мингта автомобилни ўтказиш қувватига эга бўлди.

Президент бу тизимни аввал пойтахтимиздаги 114 та кўприқда ва кейинчалик барча кўприкларда татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда кейинги саккиз йилда 2 минг километр йўл қайтадан қурилган, 100 минг километри таъмирланган. Энг муҳими, бунда сифат ўзгармоқда, янги турдаги полимер-бетон, цемент-бетон қопламалар кенг қўлланилмоқда. Натижада йўллардан фойдаланиш муддати 1,5 баробаргача узаймоқда.

Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда келгуси йил яна минг километр йўл қуриш бўйича 10 та йирик лойиҳа режалаштирилган.

ЎЗА

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ФАОЛ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) парламент сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари Дуглас Уэйкни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимизда бўлажак парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан ЕХХТ ва унинг институтлари ўртасида очiq ва самарали мулоқот ўрнатилгани, хусусан, бюро билан унумли ҳамкорлик йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак парламент сайловига тайёргарлик кўриш

доирасида ДИИХБ кузатувчилари миссияси фаол ишлаётгани юқори баҳоланди. Бюро экспертлари миллий сайлов тизимини такомиллаштириш жараёнида иштирок этдилар. Улар билдирган тавсия ва таклифларнинг аксарияти инобатга олинди, мамлакатимиз қонунчилигига татбиқ этилди.

ДИИХБ вакили миссия фаолиятига кўрсатилётган эътибор учун самимий миннатдорлик изҳор этди ҳамда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик

ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Бу галги сайлов илк бор янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг парламент ва маҳаллий вакиллик органларининг ролини кучайтиришни назарда тутувчи қоидалари асосида аралаш сайлов тизими бўйича ўтказилаётгани алоҳида таъкидланди.

ЎЗА



ЯНГИЛАНГАН САЙЛОВ ТИЗИМИДА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сайловларда овоз бериш ҳуқуқи демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан биридир. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг давлат бошқарувида иштироки, хохиш-иродасини эркин ифода этишида муҳим аҳамиятга эга. Овоз бериш орқали фуқаролар сиёсий позициясини намоеён этади, сиёсий партиялар ва номзодларни қўллаб-қувватлайди. Шу тариқа давлат ҳокимиятини шакллантириш ва қонун чиқарувчи органлар фаолиятида билвосита иштирок этади.

Жорий йилдаги сайловлар илк маротаба янги таҳрирдаги Конституциямизда белгилаб берилган мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муҳитда, парламент ва маҳаллий кенгашларнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда ўтказилмоқда.

Эртага Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Якунига етган муддатидан олдин овоз бериш жараёнида бир миллиондан ортиқ юртдошимиз ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдалангани ҳам халқимизнинг сиёсий фаоллиги ошиб бораётганидан далолат.

Аралаш сайлов тизимида сиёсий партиялар ҳар бир овоз учун курашади

Бу гал Қонунчилик палатасига сайловлар аралаш сайлов тизимида ўтказилади. Энди овоз бериш кунда ҳар бир овоз муҳим

аҳамиятга эга бўлиб, сиёсий партиялар бунинг учун курашади.

Мамлакатимизда бу борада энг мутаносиб амалиёт танланди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг 50 фоизи мажоритар тизим асосида бевосита номзодларга овоз берган ҳолда, қолган 50 фоизи эса пропорционал, яъни партияга овоз бериш орқали сайланади. Бу мамлакатнинг турли ҳудуди ва парламент ўртасида географик алоқани сақлаш ҳамда сиёсий партиялар орқали турли манфаатларни ифодалаш имконини беради.

➤ Давоми 3-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

Ислохотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ВЕРТИКАЛ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИ ВА ҲАР БИР ХОДИМНИНГ ВИЖДОН ОЛДИДАГИ ҲИСОБДОРЛИГИ

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШ ОМИЛИ

Бугун дунё миқёсида рўй бераётган иқлим ўзгаришининг салбий таъсирлари ҳамда аҳоли сони ошиб бориши нафақат ривожланаётган, балки ривожланган давлатларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек долзарб масалани кун тартибига қўймоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги энг асосий манба эса ҳар қандай давлатда, шубҳасиз, қишлоқ хўжалигидир. Шунинг учун чўлланниш, қургоччилик, деградация каби хавф-хатарлар аграр соҳада ҳам илмий изланишлар, янгидан янги инновациялар устида бош қотиришга ундамоқда. Шу боис, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аграр соҳада ҳали фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш, қишлоқ хўжа-

лигига мўлжалланган ернинг ҳар бир қари-чидан оқилона фойдаланиш, экин майдонлари шўрланишига қарши курашиш, шўрга, сувсизликка ва турли зараркундаларга чидамли янги экин навларини яратиш бора-сида вазирилик ва унинг тизим ташкилотлари томонидан аниқ муддатларда амалга ошириладиган **иш режалар** ва **“йўл харита”**лари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни амалга ошириш **ижро интизими** билан чамбарчас боғлиқ.

➤ Давоми 2-бетда



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ВЕРТИКАЛ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИ ВА ҲАР БИР ХОДИМНИНГ ВИЖДОН ОЛДИДАГИ ҲИСОБОДОРЛИГИ

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШ ОМИЛИ

Бошланиши 1-бетда

Зеро, бугун ҳар қачонгидан долзарб бўлган ижро интизоми ислохотлар самараси ҳаётимизда тўлақонли акс этиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича натижадорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз раҳбарлигида 2023 йил 21 ноябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижро интизоми йўналишида мустаҳкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, “темир” интизоми жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарабини ўзгартириш асосий вазифа сифатида белгилаб берилгани ҳам мазкур соҳадаги ишларни янада жадаллаштиришни талаб этмоқда.

Мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида жуда катта ислохотларни амалга оширяймиз. Ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмаётгани йўқ. Лекин ислохотлар қогозда қолиб кетмаслиги керак. Вазирлик ва тармоқ раҳбарлари, ҳокимлар жойларда уларнинг ижросини сўзсиз таъминлашлари шарт”, дея муҳим топшириқлар ижросида суғурилган йўл қўйилаётгани, баъзи раҳбарлар рақамлар ортидан қувиб, сифат, самарадорлик ва талабчанлигини унутиб қўяётганини қайд этганди.

Шунингдек, йиғилишда ижро интизоми таъминлаш, барча дастур, “йўл харитаси” ва лойиҳаларни ўз мuddатида бажариш лозимлиги қатъий таъкидланган эди.

Иш юритишнинг самарали услуби

Мазкур йиғилишда белгилаб берилган топшириқлар, Президент фармони ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари ижросини ўз мuddатида таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари ўртасида вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида мазкур бошқарув тизими вазирлик ва тизим ташкилотлари раҳбарларининг энг қўйи бўйичага тушиб бориб, аграр соҳада аҳолини қийнаб келаятган муаммо ва камчиликлар ечимини топиши, аграр соҳадаги ислохотлар самараси ҳар бир хонадонгача кириб бораётгани, натижада мазкур соҳада банд бўлган юртдошларимиз сони ортиб, моддий фаровонлиги яхшиланаётгани билан ўз самарадорлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, иш юритишнинг ушбу услуби туфайли соҳадаги ислохотлар изчиллигини таъминлаш, муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунчилик ҳужжатлари ва Президент топшириқлари ижроси вазирлик томонидан қатъий тартиб ва интизом асосида тизимли ташкил этилмоқда. Чекка ҳудудлар аҳолиси даромадларини ошириш, маҳаллаларни муайян қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга ихтисослаштириш борасида Сайхунбод,



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, қишлоқ хўжалиги вазири

Уйчи, Олтиариқ тажрибаларини барча ҳудудларда омаллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Ижро интизоми натижадорлиқни таъминловчи муҳим кўрсаткич

Вазирлик тизимида ижро интизоми мустаҳкамлаш, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини белгиланган мuddатларда, сифатли бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони вазирлик тизимида қатъий интизом ўрнатишга ҳуқуқий замин яратди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижро интизомига маъсул бўлинмаларнинг ижро интизоми мустаҳкамлашдаги роли ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилиниб, унда устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб берилган.

Унда белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш, хусусан, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини кенг жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳада агрокластерлар ва кооперацияларни ташкил этиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ислохотлар кечмоқда.

2024 йил III чорак якуни бўйича аграр ва озиқ-овқат соҳаларида жами 129 та ҳужжат лойиҳаси, шундан Ўзбекистон Республикаси қонуни (10 та), Президентимизнинг

фармон ва қарори (32 та), Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойиши (70 та) ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари (17 та) ишлаб чиқилди.

Ижро интизоми ҳар қандай давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти натижадорлигини таъминловчи энг муҳим ҳамда асосий кўрсаткичларидан биридир. Шу боис, аграр соҳага оид барча ҳужжатлар ижросини таъминлаш нафақат вазирлик раҳбарияти, балки қишлоқ хўжалигининг энг қўйи бўйичага бўлган барча ходимларнинг бурчига айланган.

Вазирлик томонидан бу борада “Ijro.gov.uz” электрон тизимига киририлган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиши бўйича Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан “технологик занжир” асосида доимий ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Хусусан, 2024 йил III чорак давомида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида жами 25 минг 526 та, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатдан 182 та, Президент Администрациясида 327 та, Вазирлар Маҳкамасида 1633 та топшириқ келиб тушган.

КРІ кўрсаткичлар баҳолансагина, ходимлар масъулиятни ҳис қилади

Бугун дунёда ҳукм сураётган геосиёсий вазият ва унинг аксарият давлатлар ўртасидаги логистика хизматларига салбий таъсири, мамлакатимиз аҳолисининг кун сайин ошиб бораётгани фонида юртимиз бозорларини сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қўшилган қиймат занжирини яратиш орқали импорт ўрнини босувчи ва экспортбоқ маҳсулотлар етиштириш, соҳада янги иш ўринлари яра-



тиш каби кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар ижроси вазир билан бирга унинг ўринбосарларига ҳам катта масъулият юклайди.

Шу боис, вазир ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик ва мақсадли вазифаларга эришишни асосий мезонлари орқали баҳолаш тизими жорий этилган бўлиб, ҳар чорак якуни билан вазирликнинг ҳайат йиғилишида танқидий равишда муҳокама қилиб боришмоқда.

Вазирлик марказий аппарати бошқармалари ва вазирлик тасарруфидagi республика ташкилотлари раҳбарлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби ва мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари (КРІ кўрсаткичлари) тасдиқланган.

Буларнинг барчаси вазирлик тизимида ижро интизоми, қолаверса, Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари билан юклатилган вазифалар, функциялар ва прогноз (индикатор) кўрсаткичлари ижросини белгиланган мuddатларда, сифатли ва тўлақонли таъминлаш орқали қишлоқ хўжалигида ислохотлар натижадорлигини ошириш ва самарадорлигини мустаҳкамлашга асос бўлмоқда.

Аграр соҳада эришилган натижалар

Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида ҳисобот даврида жами 124,6 минг гектардан ортиқ майдон фойдаланишга киририлиб, 30 мингта иш ўрни яратилди. Шунингдек, 641,7 минг гектар майдонда замонавий сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, эканларни суғоришда 1,9 миллиард куб метр сув иқтисод қилинди.

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2024 йил ҳосили учун фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида жами 3,9 миллион гектар ерда экин экилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 270 минг гектар кўп бўлиб, шундан асосий майдонлар 3,1 миллион гектар, лалми ерлар 433,1 минг гектар ва бог-ток қатор оралари 239,4 минг гектарни ташкил этади.

2024 йил — “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да қишлоқ ёшларининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш

ган ер ислохотларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2021 йил 8 июнда Президентимизнинг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, инсон омилсиз электрон ер ажратишнинг аниқ механизмлари белгилаб берилди.

Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Е-IJARA” ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш мақсадида сугориладиган 670 минг гектар ерда туپроқ сифатини баҳолаш, 499 минг гектар ернинг шўрланиш даражасини аниқлаш ҳамда 691 минг гектар майдонда туپроқ агрохимёвий таҳлили ўтказилиб, агрохимёвий картограмма ва харита-лар тузилди.

Туپроқ сифати, шўрланиши, агрохимика-торрамаси, геоботаник тадқиқот натижаларини тизимлаштириш, геолокация бўйича аниқ маълумотлар базасини яратиш мақсадида “Field Maps” мобил дастури ишга туширилди.

Барча тоифадаги 358 минг гектар мевали бог ва 196 минг гектар тоқзор хатловдан ўтказилди. Айни пайтда фермер хўжалиқлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида 266 минг гектар бог ва 132 минг гектар тоқзор мавжуд бўлса, аҳоли томорқаларида боглар 93 минг гектарни, тоқзорлар эса 63 минг гектарни ташкил этмоқда.

Жорий йил баҳорида 16,3 минг гектар мевали бог ва 60,2 минг гектар узумзор барпо этилиб, бу майдонларга 15,5 миллион туپ мевали дархат ҳамда 75,9 миллион туپ тоқ мевали экилди. Кам ҳосилли, иқтисодий самарасиз 17,5 минг гектар бог ва 16,7 минг гектар тоқзор реконструкция қилинди.

Маҳсулотларни қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжири ва экспорт географияси кенгаймоқда

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида фаолият юритаётган корхоналарга Organic, Global G.A.P., Halal, ISO 9001, ISO 22000 каби халқаро стандартлар талабларини жорий этиш юзасидан 1335 та ташаббускор рўйхати шакллантирилиб, бугунги кунда корхоналар томонидан халқаро стандартлар талабларини жорий қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Экспорт географияси ҳам 7 та давлатга кенгайиб, 91 та давлатга 1,5 миллиард долларлик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинди. Экспорт бозорининг катта қисмини Россия, Хитой, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Покистон, Афғонистон каби давлатлар ташкил этмоқда.

Инвестиция дастури доирасида 318 миллион доллар ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда 17 та лойиҳада 326,3 миллион доллар ўзлаштирилди. Хусусан, “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида 100,1 миллион доллар ҳамда “Мева-сабзавот саноатида қўшилган қиймат

занжирини ишлаб чиқиш” лойиҳасида 92,2 миллион доллар миқдорда халқаро молия институтлари маблағлари ўзлаштирилди.

Худудий инвестиция дастури доирасида 4,9 триллион сўмлик 954 та лойиҳа ишга туширилди ва 11,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

Аграр соҳада кластер усулида фаолият юритиш тизими 2017 йилда илк бор пахтачиликда жорий этилиб, бармақ билан санарли кластерлар фаолияти ташкил этилган бўлса, 2024 йилга келиб уларнинг сони 671 тага етди ва бозор иқтисодиётида ўзининг рақобатбардорлигини кўрсатди.

Айни пайтда пахтачилик йўналишида 155 та, ғаллачилик йўналишида 126 та, мева-сабзавотчилик йўналишида 136 та кластер фаолият юритаётган бўлса, яна 254 та кластер қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишларида ишламоқда.

Натижада кластерларда маҳсулотни қайта ишлаш даражаси пахтачиликда 91 фойздан 96 фойзга, ғаллачиликда 48 фойздан 56 фойзга, мева-сабзавотчиликда 50 фойздан 53 фойзга ошди. Шунингдек, пахтачилик кластерларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари рейтингини юритиш дастури ишлаб чиқилди ва Киберахавсизлик марказидан рўйхатдан ўтказилди. Озиқ-овқат саноатида 72,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилдагига нисбатан ўсиш 115,8 фойзини ташкил этди.

Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги тегишли фармони ҳамда қарори билан қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ҳамда агрохизматлар кўрсатишининг узвий тизимини ўзaro боғлайдиган Қишлоқ хўжалигида bilim ва инновациялар миллий маркази ҳамда Тошкент вилоятида Агрохизматлар маркази (АКИС) ташкил этилди.

АКИС марказларида 100 дан ортиқ агрохизмат қўрсатилмоқда ҳамда “даладан дастурхонгача” тамойили асосида халқаро сифат стандарти ва сертификатлари жорий этилмоқда.

Амалга оширилган тизимли ва изчил ислохотлар натижасида 2024 йил III чорак давомида қишлоқ, ўрмон ва балчиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 344,6 триллион сўмни, ўсиш эса 104 фойзини ташкил қилди. Шундан 158,8 триллион сўмлик (104,5 фойз) деҳқончилик ва 174,1 триллион сўмлик (103,6 фойз) чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 октябрдаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил сентябрдан бошлаб Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда биринчилардан бўлиб вазирлик марказий аппаратида, сўнгра ҳудудларда мустақил очиқ танлов тизими йўлга қўйилди.

Мазкур тизим орқали жорий йилда марказий аппаратдаги ҳамда 55 та вақант лавозимга эълон қилиб, 55 нафар салоҳиятли, ёш кадр ишга қабул қилинди.

Танлов натижасида ходимлар сифат таркиби яхшилланишига эришилди, олий маълумотлилар улуши 100 фойзга, хорижда таҳсил олганлар сони 18 нафарга етди.

Умуман олганда, вазирликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ижро интизомига риоя этиш ҳамда ҳужжатлар билан ишлашда аниқ ва тизимли механизм яратилди.

Бироқ бугунги кунда эришилган натижалар билан қийовланиб қолмай, келгусида ҳам вазирлик ва соҳа олдида турган серкирра вазифаларининг ўз вақтида ва сифатли таъминланиши учун ижро интизоми янада мустаҳкамлаш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

Учрашув

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигида Қозғистон Республикаси делегацияси билан 2025 йилга мўлжалланган стратегик ислохотлар доирасида ҳамкорлиқни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Стратегик ислохотлар агентлиги директори Баҳодир Раҳматов, Қозғистон Республикаси Сенати раиси ўринбосари Жақи Асанов, Қозғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Қозғистон Республикаси Стратегик режалаштириш ва ислохотлар агентлиги вакиллари иштирок этди.

Учрашувда давлат бошқарувини модернизациялаш, рақамли технологиялар, барқарор ривожланиш ва инвестицияларни жалб

қилиш каби йўналишлардаги стратегик устуворликларга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар умумий мақсадларга эришиш учун сайё-ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурлигини таъкидлади ва бошқарув жараёналарига инновацион технологияларни интеграция қилиш муҳимлигини қайд этди.

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Остона шахрида бўлиб ўтган олтинчи маслаҳат учрашувда “Марказий



Осиё — 2040” минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш концепцияси қабул қилиниши қўшма сайё-ҳаракатларимиз билан минтақада муҳим бозор яратилаётганидан далолат беради, — деди Стратегик ислохотлар агентлиги директори Баҳодир Раҳматов. — Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган минтақалараро форумда қиймати 352 миллион доллардан ортиқ бўлган келишувлар имзолангани ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир қадам ҳисобланади. Шунингдек, 27 октябрь кунин илк бор аралаш — мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказиладиган сайловда қозғистонлик кузатувчилар иштирокини олқишлаймиз. Стратегик ислохотлар соҳасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга очиклигимизни билдирган ҳолда 2025 йилга мўлжалланган ишларни бошлашга тайёремиз.

Бундан ташқари, тадбирда таълим, фан ва технологиялар, шунингдек, инфратузилмани яхшилаш ва тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратишга қаратилган қўшма ташаббусларни илгари суриш соҳаларида ҳамкорлиқни фаоллаштириш йўллари муҳокама қилинди. Қозғистон томони минтақавий барқарорлик ва иқтисодий фаровонлик масалаларида Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг муҳимлигини таъкидлади.

Тадбир якунида томонлар узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, фуқароларнинг фаровонлик даражасини кўтариш ва Марказий Осиёда барқарорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш ниятини тасдиқлади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

SAYLOV
2024
27-OKTABR
RESMIY TAYYINLANGAN

(falsifiye qabul qilishni qayta ko'rib chiqish)
saylov okrugi
SAYLOV BYULLETENI

ML-O*

(IMCO)

(IMCO)

Xalq deputatligi _____ tuman (shahar)
Kengashi deputatligi
SAYLOVI

2024-yil 27-oktabr

Faqat bitta nomzodga ovoz berishingiz mumkin.
Yozqlab ovoz berayotgan nomzod ro'parasida, o'ng tomonida
joylashgan bo'sh kvadratga **+** yoki **✓**yoxud **✗**belgisini qo'yning.

FAMILIYASI, ismi, otasining ismi, tug'ilgan yili,
Siyosiy partiya nomi

☐

FAMILIYASI, ismi, otasining ismi, tug'ilgan yili,
Siyosiy partiya nomi

☐

FAMILIYASI, ismi, otasining ismi, tug'ilgan yili,
Siyosiy partiya nomi

☐

FAMILIYASI, ismi, otasining ismi, tug'ilgan yili,
Siyosiy partiya nomi

☐

FAMILIYASI, ismi, otasining ismi, tug'ilgan yili,
Siyosiy partiya nomi

☐

DIQQAT! Bittadan ortiq kvadratga belgi qo'yilgan yoki bitta ham kvadratga belgi
qo'yilmagan saylov byulleteni haqiqiy emas deb topiladi.

Бугуннинг гапи

Ўтган йилнинг бошида пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Амир Темуր шоҳқўчасида биринчилардан бўлиб “А” белги билан ажратилган автобус йўлаги пайдо бўлиб, унда фақат жамоат транспорт ҳаракатланишига рухсат берилгани боис, ишга қатнашим анча қулайлашгани, манзилга тез, тирбандликларсиз етиб олаётганим дарҳол сезилганди. Уйдан ишгача 20 дақиқада борардим. Шахсий машина олганимдан кейин вақт оралиғи ўзгарди, фақат тескари томонга. Аввалги масофани энди ярим соат, 40 дақиқада босиб ўта бошладим. Қизиғи, бу вақт камайиш ўрнига тобора кўпайиб борапти.



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бунга Тошкент шаҳри кўчаларида кун сайин ортаётган ва ҳайдовчиларнинг асосий муаммосига айланиб қолган тирбандликлар сабаб экани сир эмас. Олдинлари тигиз вақтлар одатда эрталаб ва кечқурунга тўри келган бўлса, ҳозир куннинг исталган пайтида, шаҳарнинг исталган ҳудудида тирбандликда қолиш мумкин. Чунки юртимизда аҳоли билан бирга автомобиллар сони ҳам ортishi тезлашган. Маълумотларга кўра, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида рўйхатдан ўтган 760 минг автотранспорт мавжуд бўлиб, уларнинг сони ийлига 76 мингга ёқмоқда. Пойтахтда автотранспорт воситалари доимий ҳаракатлангани асосий йўл тармоқлари узунлиги 470 километр бўлгани ҳолда 380-400 минг автотранспорт ҳаракатига йўлжалланган. Аммо одатда бу рақам 1 миллионга етиб, автотранспорт ҳаракати бир вақтнинг ўзида ҳаракатланиш сигимидан 2 баробар ошиб кетаяпти. Бу асосий кўчаларга икки қарра кўп қоклама тушяпти, дегани. Йўлларда турнақатор тирбандликлар юзага келиши ҳам шу билан боғлиқ.

Тўғри, автомобиль харид қилиш яхши ният, орзу-хаваслардан бири. Одамларда машина сотиб олиш имконияти ошиб бораётгани, ҳатто бир хонадонда бир неча автоулов борлиги, кўчаларимизда хорик автомобиллар кўзни қувнатиб юргани яхши, албатта. Аммо уларнинг кўпайиши ҳисобига шахсий автомобилда ҳаракатланиш қийинлашиб

Йўлақлар фақат жамоат транспортга хизмат қилса, одамларнинг автобуслардан фойдаланиши кўпаяди. Чунки жамоат транспортини ривожлантириш, уларга йўлларда устунлик бериш юртдошларимизнинг ҳам зарурий талабига айланиб бормоқда.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ва унга йўл бергандан сўнг ёндош ҳудудга кириш ёки чиқиш ҳаракатини амалга оширишга рухсат этилган.

Аммо тақиқлашнинг ўзи билан иш битмайди, қондага амал қилмаганлар жаримага тортилади. Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қондалари талабларига риоя этмаслиги БХМнинг иккидан бир қисми, яъни 187 минг 500 сўм миқдорига жаримага сабаб бўлади. Агар автомобиль ўша йўлакда тўхтаса, тўхтаганда ҳам бу ҳолат йўловчини тушириш ёки чиқариш билан боғлиқ бўлмаса, унга БХМ миқдорининг 2 баравари — 750 минг сўм миқдорига жарима жазоси берилади.

Йўлда тирбандликда турганимизда баъзан тез ёрдам ёки ўт ўчириш машиналарининг оғоҳлантирув сигналлари эшитилиб қолади. Қимнингидир ҳаётини сақлаб қолиш ёки бахтсиз ҳодисани бартараф этишга ошқабатган инсонлар тирбандликдан йўл топиб, чиқиб кетишга уради. Аммо турнақатор тизилган машиналар орасида қани бирор жой бўлса. Шундай вақтда айнан уларнинг ҳам эркин, тез ҳаракатланиши учун ажратилган автобус йўлаклари енгил автомашиналар билан тўла экани одамнинг гашини келтиради. Қондага амал қилмай, жамоат транспорт ва махсус хизмат машиналари ҳаракатига ҳалал берганлар жарима тўлаши шу жиҳатдан адолатли ечимдир.

Йўлақлар фақат жамоат транспортга хизмат қилса, одамларнинг автобуслардан фойдаланиши кўпаяди. Чунки жамоат транспортини ривожлантириш, уларга йўлларда устунлик бериш юртдошларимизнинг ҳам зарурий талабига айланиб бормоқда. Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида аҳоли сони ийлига ўртача 100 минггао ошмоқда. Пойтахтдаги 5 миллиондан ортқ аҳолининг 3 миллиони ҳудудда доимий истиқомат қилувчилардир. Қолаверса, шахримизга келиб-кетуви меҳмонлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Одамларнинг аксарияти доимий ҳаракатланишда жамоат транспортдан фойдаланишни афзал кўради. Аслида, дунёнинг кўплаб давлатларида шундай, аҳоли учун қўндалик қатновда шахсий автомобилдан кўра жамоат транспорт кўлай ҳисобланади.

Мутахассисларнинг айтишича, Тошкент шаҳрида битта енгил автотранспорт воситасида бир кунда ўртача 4,8 нафар йўловчи ташилса, битта автобуста бу кўрсаткич ўртача 700 йўловчини ташкил этмоқда. Бу автобуснинг енгил автотранспортга нисбатан 145 баробар самарадор эканини кўрсатади. Қолаверса, шаҳарда тирбандликнинг олдини олиш, аҳолининг кўнлик ҳаракатланишига бўлган эҳтиёжини қондириб, йўлга сарфланадиган вақт ва моддий ресурслар самардорлигини ошириш учун ҳам сифатли, қўлай, хавфсиз ва жозибадор жамоат транспорт тизимини жорий этиш лозим.

— Ҳар йили хориқдан автобуслар олиб келинапти, — дейди Мирақбар Иқромов. — Масалан, 2022 йилда Тошкент шаҳри учун ўрта сигимли 200 дон ва катта сигимли 190 дон автобус ва илк бор 20 дон замонавий электробус харид қилинган эди. 2023 йилда эса шаҳар жамоат транспорт ҳаракат таркибини мукаммал янгилаш лойиҳалари натижаида кўшимча 1000 дон автобус келтирилди. Уларнинг 302 таси электробус бўлиб, аста-секин шаҳарда шу каби экологик транспорт воситаларига ўтиш кўзда тутилган.

Умуман, шахримизда сўнгги икки йилда автобуслар сони 2 баробар, ҳаракат таркибининг ўртача сигими эса 74 фоиз ошди. Уларнинг оралиқ интервали 2-3 қарра қисқариб, ҳозир 8-10 дақиқани ташкил этапти. Кўнлик йўловчи оқими 1 миллионга етиди. Пойтахтга кириб келадиган аҳолининг шаҳар маркаига етиб бориш вақти эса 45 дақиқадан 30 дақиқачага қисқариб. Жамоат транспорт ҳаракати учун ташкил этилаётган алоҳида ажратилган йўлақлар бу кўрсаткичларни янада яхшилайдди. Ҳар ҳолда кўпчилик ижобий ўзгаришларни аллақачон амалиётда сезмоқда.

“А” ТАСМАЛИ ЙЎЛЛАР

БАРЧА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН ЭМАС

бораётгани, тирбандликлар ортиб, яқин масофалар олисдек туюлаётгани ҳам бор гап. Автобиллардан чиқаётган зарарли тутуннинг экологияга етказётган таъсири эса алоҳида мавзу.

Шундай шароитда жамоат транспортини ривожлантириш, одамлар учун қўлай транспорт воситасига айлантириш зарурлиги айтилаётгани бежиз эмас. Нафақат айтилапти, балки керакли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Боиси, ҳар кунни ўқишга, ишга ёки бошқа юмушлар билан бирор манзилга қатнайди-ган одамлар учун арзон, тезкор ва хавфсиз транспорт воситаси зарур. Бу вазифани эса жамоат транспортчилик бирор автоулов удалай олмайди. Қолаверса, шаҳар шароитида жамоат транспортдан фойдаланиш кўпчиликлга қўлай.

Ана шу қўлайлиқни янада ошириш учун кейинги йилларда кўчалар, йўлларда жамоат транспортга устунлик бериш чоралари кўрилмоқда. Асосий мақсад кенг жамоатчилик фойдаланганидан транспорт воситалари тирбандликда қолмаслиги, одамлар манзилига тезкор етиб олишини таъминлашга қаратилган. Шу боис, 2023 йилдан пойтахтимизда алоҳида автобус йўлаклари ташкил этилиб, “А” ҳарфи билан ажратила бошлади. У фақат автобуслар ҳаракати учун ташкил этилиб, унда ҳаракатлангани енгил автомобилларга жарималар ҳам белгиланди.

— Ўтган йилнинг бошида Тошкент шаҳрида 186,6 километр автобус йўлаги ташкил этиш белгилаб олинган бўлса, Президентимизнинг тегишли қарори билан 2025 йилгача пойтахт кўчаларида жамоат транспорт доимий ҳаракатлангани умумий узунлиги 475 километр бўлган 36 та алоҳида автобус йўлаги пайдо бўлади, — дейди Транспорт вазирлиги Жамоат транспорт бошқармаси бошлиғи Мирақбар Иқромов. — Айни пайтда Тошкент шаҳрида 164 та янги йўналиш тармоғида кунига 1638 та автобус қатнамоқда. Таҳлилларга кўра, ҳозир пойтахтдаги мобил аҳолининг кўнлик қатнови сони ўртача 11 миллионни ташкил этиб, унинг 2,1 миллиони, яъни 26,3 фоизи жамоат транспорт (автобус ва метро) ҳиссасига тўғри келяпти. Бу ҳали кам. Яқин йилларда аҳолининг кўп қисмини жамоат транспортда ҳаракатланишга жалб этиш кўзда тутилган. Бунинг учун ҳуқуқий асослар яратилиб, аниқ чора-тадбирлар кўриляпти. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 24 сентябрда қабул қилинган “Чанг бўронларига қарши курашиш ва атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш бўйича



биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди Тошкент шаҳрида жамоат транспорт устуворлигини ошириш бўйича қатор тақлифлар назарда тутилган. Алоҳида автобус йўлакларини ташкил этиш орқали тезкор автобус йўналишлари (BRT) тизими жорий қилинади.

Қондабузарлар жарима тўлайди

Автобус ҳаракати учун алоҳида йўлак ажратилиши кенг жамоатчилик, фаоллар томонидан ижобий қутиб олинди, қўллаб-қувватланяпти. Кўпчилик бундай йўлларни кенгайтириш, энг асосийси, уларда енгил автомобиллар ҳаракатланишини тақиқлашнинг қатъий назоратга олиш тарафдори. Боиси, “А” белгилли йўлларда ҳаракатланиш одатдагидек давом этиб, исталган машина эркин фойдаланса, у ҳолда алоҳида йўлларни белгилаб, махсус белгиларни чизиб чиқиш ортқча оворагарчиликдан бошқа нарса бўлмайди. Чунки жамоат транспорт яна аввалгидек тирбандликда қолади ва унинг алоҳида йўлда ҳаракатланишидан ҳеч қандай маъно йўқ.

Дастлаб алоҳида автобус йўлаклари очилиб, назорат қўйиририлган, жараён тартибга тушиб олди. Ҳатто Тошкент шаҳри бўйлаб автобус йўлакларида ҳаракатлангани бошқа



транспорт воситаларининг қондабузарликларини қайд этиб, жаримага тортадиган 50 дан зиёд фото ва видеокамера ҳам ўрнатилди. Аммо орадан бир йил ўтса ҳамки, бу камера-лар амалиётда тўлиқ ишламади ва буни тушуниб етган ҳайдовчилар яна бемалол автобус йўлакларида ҳаракатлана бошлади. Мутасаддилар эса кузатув камералари ишламагани



Янгича ёндашувлар КАМБАҒАЛ ЭДИ, МУЛҚДОРГА АЙЛАНДИ



Шўрчи туманидаги Дўстлик маҳалласида яшовчи Холмирза Қосимов ҳаётининг бир қисмини хорижда ишлаш билан ўтказди. Пайвандчилик қилди. Баланд-баланд иморатлар қурилишида қатнашди. Бу иморатлар ўзга халқ учун эканидан кўпинча эзилди. Мамлакатимиздаги янгилашниларнинг ҳаётини ҳам кескин ўзгартирди. Энди у оиласига мўмай даромад келтириш билан бирга маҳаллошларининг иш билан таъминланишига ҳисса қўшяпти.

Холмирза Қосимов 2022 йилда “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастури доирасида имтиёзли кредит олди. Шу маблаг эвазига 10 сотих томорқада иссиқхона қурди. Дастлаб 3 йил қўлундай етиштирди. Экин орасида бодиринг ва помидор ҳам парваришляди. Тини-тинчимас томорқа эгаси кўчатчиликка ҳам қўл урди. Меҳнати ортидан жорий йилда у Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг “Илғор фермер”, “Меҳнаткаш деҳқон” ва “Намунали томорқачи” кўрак нишонларига муносиб топилди. Шу билан чекланиб қолгани йўқ.



Бугун туманда осмонга бўйлаётган иморатлар бунёд этилишида ҳам пайвандчи сифатида иштирок этапти.

Шўрчи туманидаги Дўстлик маҳалласининг асосий драйвери эса деҳқончилик қилиб белгиланди.

— Маҳалламизда жорий йилнинг ўзида деярли ҳар бир хонадонда иссиқхона ташкил этилди. Уларда асосан қўлундай, қарам, лимон ва бошқа экинлар етиштирилмоқда. Одамларга томорқадан самарали фойдаланиш ва ундан даромад олишни ўргатиш орқали ҳам камбағаллиқни қисқартириш, ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мумкин. Юртдошларимиздаги тадбиркорлик кайфияти Шўрчидаги маҳаллаларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиларини ҳам янги ташаббуслар сари ундамоқда, — дейди “Дўстлик” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Жамшид Бўриев.



Бир-бирини тўлдирадиган механизмнинг шаклланиши эвазига аҳолининг бугундан розилиги, эртанги кунга ишончи ортиб бормоқда. Шу йил 11 сентябрда камбағаллиқни қисқартириш ишларини янги сифат босқичига олиб чиқиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакат бўйича 260 минг гектар ер 800 минг фуқаро, аввало, ёшларга деҳқончилик қилиш учун даромад келтирувчи актив сифатида тарқатилгани таъкидланди. Шунингдек, оилаларни камбағалликдан чиқаришда шахсий томорқалардан оқилона фойдаланиб, ердан олиннадиган даромад миқдорини кўпайтириш кераклиги алоҳида қайд этилди. Шу кунларда мазкур топшириқ юзасидан Сурхондарё вилоятида ишлар қизгин давом



этаётир. Вожада жами 482 минг 938 та хонадонда деҳқончилик қилинадиган 49,5 минг гектар томорқа мавжуд. 2024 йилнинг эрта баҳориди 42,3 минг гектарга эртани, 45 минг гектарга такрорий ва 44,2 минг гектарга тўқсонбости экин экиш режалаштирилган. Шу кунгача эртани ва такрорий экинлар тўлиқ екилди.

Томорқамизга экилган қарамдан ҳам яхши фойда оламиз. 6 сотих ерда қурилган иссиқхонамиздаги лимонлар ҳам аллақачон ҳосилга кирган.

Тумандаги Озод маҳалласида яшовчи Элмурод Хўжамиевнинг ҳам 40 сотих ери бор. Томорқага муносабат ўзгаргани ортидан у ҳам шу кунларда 600 тулга яқин павловния кўчатини парваришлямоқда.

Павловния кўлаб ноёб хусусиятларга эга: ёғочи енгил ва зичлиги юқори. Дарахнинг сувга қаршилиги бор. Шу боис, сувга солсангиз, бўкиб қолмайди, тез ҳўл бўлиб, чириб кетмайди. Ундан асосан қайиқ, мусиқа асбоблари ва мебеллар ясаилиши сабаби ҳам шундан. Яна бир афзаллиги, павловния ёғочи жуда мустаҳкам бўлгани боис, юқори ҳароратга чидамли. Бошқа дарахтлар 250-300 даражада ёнса, у 450 даража иссиқликкача дош беради.

Ўсимликлар қарантина ва ҳимояси туман бўлими инспекторлари ҳудуддаги тупроқнинг агрохимий таҳлили, қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган барча турдаги минерал ҳамда микробиологик ўғитлар сифатини назорат қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидидаги пестицид, нитрат ва оғир металл тузлар қолдиқларини текшириш мақсадида дала шароитида таҳлиллар ўтказмоқда.

— Зарарли организмларга қарши курашнинг уйғунлашган самарали усулларини белгилаш, ижросини назорат қилиш, мониторинг олиб бориш, иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган зараркундаларнинг ҳудудга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида реал ишлар бажарилляпти. “Агроқўмақчи” мобил иловаси орқали эса ўсимликлар ҳимояси, бу соҳадаги хизматлар, фойдали маълумотлар, экспорт бўйича масалаҳатлар бериб боришмоқда, — дейди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Иброҳим Ўсаров.

Шўрчи туманида томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиги майдонларида деҳқончилик маданиятини янада ривожлантириш, қолаверса, ҳар йили 2-3 марта ҳосил олишга катта эътибор қаратилмоқда.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

БОЛАЛАР РЕАНИМАЦИЯСИ

Бунда устунлик замонавий технология ва салоҳиятли кадрларга боғлиқ



Болалар реанимацияси бўлими — мураккаб жарроҳлик амалиётидан сўнг гўдак илк соатлари, кунлари ва баъзида эса ойлаб вақтини ўтказадиган жой. Бу ерда меҳнат қилаётганлар бемор хаёти учун кураш олиб боради. Ҳатто болалар билан ишлаш мароқли деган ўйда юрган ҳамширалар ҳам фурсат ўтиб бу ишнинг юки ва масъулиятига гувоҳ бўлган. Азоб тортаётган синчаладек жуссалар ёнида парвона бўлиб, парвариш қиларкан, уларга боғланиб қолганини сезмай ҳам қолади. Бу ерда ўз боласи ётгандек қайғуради.

Излаган имкон топади

Бухоро вилоятидаги болалар реанимацияси салмоқли тараққиёт йўлини босиб ўтган. 1979 йили у олти ўринли қилиб ўша пайтдаги вилоят болалар шифохонасида ташкил этилган. Дастлаб мазкур бўлим ҳамда чақалоқларга мўлжалланган интенсив терапия бўлими муассаса тасарруфидagi реконструкция қилинган клуб биносидида фаолият юритган. Йиллар ўтгани сари бу йўналишдаги имкониятлар тобора кенгайиб, ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжга жавоб беролмай қолди. Соҳадаги ўзгаришлар билан дадил қадам ташлана бошлади. Янги лойиҳа асосида ун ўринга мўлжалланган анестезиология ва реанимация бўлими ҳамда операция блоки учун алоҳида бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Албатта, ўтган йилларда яратилган бу шарт-шароитлар ўз мевасини бериб, диагностика ва даволашда сезиларли натижаларга эришилган эса-да, соматик ва хирургик йўналишдаги беморлар битта бўлимда даволанишга мажбур бўлаётгани соҳа мутахассислари олдида ечимини қутаётган тугун бўлиб қолаётганди. 2016 йилда бу муаммага ечим изланди. Бироқ масала маблагга бориб тақалди-ю, режа режалигича қолиб кетди.

2024 йилга келиб, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида соматик беморларни хирургик касаллардан алоҳидадаш лойиҳаси устида ишлар ижросига жиддий киришилди. Дастлаб бўлим ходимлари учун муносиб шароит яратиш мақсадида шу қаватда мавжуд бўлган ва фойдаланилмай келинаётган бир неча хонадан иборат жой лойиҳага киритилиб, икки ойда таъмирдан чиқарилди. Бу ердаги эски стерилизация бўлими юқори қаватга кўчирилди. Натижада реанимация ҳолатидаги, операциядан чиққан беморларга тўлиқ хизмат кўрсата оладиган, шунингдек, барча талабга жавоб берадиган, янги қиёфадаги бўлим фойдаланишга топширилди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, бинони дмонтаж қилиш, қайта қуриш, таъмирлаш ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари ҳомийлар ва савоатпешалар маблагги ҳисобидан амалга оширилди. Жараёнга тахминан 400 миллион сўмдан ортиқ маблаг йўналтирилган.

Чақалоқлар ва болаларни қўшиб ҳисоблаганда айни пайтда реанимация бўлими 12 ўринда фаол ишламоқда. Шундан 5 таси хирургик беморларга мўлжалланган. Бўлимда жами 80 нафардан зиёд ходим ишлаётди, 10 дан ортиғи шифокорлар.

Ютуқлар салмоқли

Марказининг жорий йилда эришган муҳим ютуқларидан бири юракда оқик операциялар муваффақиятли бажарилганидир. Бу амалиётлар пойтахтдан келган тажрибали мутахассислар билан ҳамкорликда қилинди. Баҳоланки, болаларда учрайдиган тугма юрак нуқсонини очик усулда операция қилиш амалиёти шу пайтга қадар ривожланган мамлакатлардагидан амалга ошириб келинаётган эди.

Ютуқлар қўлга киритилар экан, соҳа мутахассислари олдида янги мақсад ва марралар чиқаверади. Галдаги вазифа перфузио-



Ҳамзабек ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

логия йўналишини ривожлантириш ва шу йўналиш бўйича кадрлар тайёрлашдир. Бу борада илк қадамлар қўйилган ва келгуси ойдан тиббиёт ходимлари малака ошириш учун хориждаги етакчи клиникаларга юборилади. 2025 йилдан бошлаб шу йўналишда



бўлим очилиши ва фаолият юритиши режалаштирилмоқда.

— Бўлимимиз 18 ёшгача бўлганларга тиббий ёрдам кўрсатади. Кўплаб хасталиклар 24 соатда ташхисланиб, оператив жараён амалга оширилади. Чилласи чиққан гўдаклар ва ундан катталар барча турдаги соматик ва хирургик касалликлар бўйича даволанади. Биз кардиореаниматологик, гематологик, неврологик хасталиклар, буйрак етишмовчилиги, торакал абдоминал хирургия, нейрохирургия, юз-жағ жарроҳлиги йўналишида беморларга қўлимиздан келган ёрдамни кўрсатаймиз, — дейди анестезиология ва реанимация бўлими мудир Равшан Авезов.

Кичик амалиётларни ҳисобламаганда юқори технологик операциялар сони ва сифати ўтган йилдагига қараганда мингтага ошган. Бу 1800 тадан зиёдни ташкил этади. Ушбу амалиётларнинг 50 фоизга яқини юз-жағ жарроҳлиги ва оториноларингология йўналишида амалга оширилган. Қолгани режали ва йирингли хирургия, нейрохирургия, ортопедия ва бошқа хирургик йўналишдаги бўлимлар ҳиссасига тўғри келган. Бу беморлар реанимация бўлимида 1 соатдан 6-7 кунгача керакли муолажани олиб, йўналишлар бўйича бўлимларга кўчирилган.

Бугунги реанимациянинг кечагидан фарқи

Узоққа бормаёлик. 1996 йилда бўлимда Ро-6 русумли биттагина нарқоз берувчи аппарат бўлган. Жуда содда ва маънан эскирган бу аппаратнинг беморга фойдасидан зарари кўпроқ текканини тиббиёт ходимлари билса ҳам бошқа муқобили йўқлиги боис, мавжуд имкониятдан фойдаланишга мажбур эди. Бино эса реанимация учун махсус қурилган ва жиҳозланган бўлмаган. Ходимлар мослаштирилган иншоотда фаолият юритган. Беморларни кислород билан таъминлаш ҳам талаб даражасида эмасди. Оғир кислород баллонларини тиббиёт ходимлари судраб юрарди.

Бугун кислород станциялари жорий этилган, энг илгор фирмаларнинг сунъий нафас бериш аппаратлари ишлаб чиқарилгани замонавий реанимация имкониятларини бир неча қарра оширди. Жумладан, тиббиёт илгор мамлакатлар фойдаланаётган Германиянинг “Fabiuss plus” нарқоз аппаратлари бу ерда ҳам беморлар жонига оро кирмоқда. Мониторлар ва ўпканининг сунъий вентиляцияси аппарати (ИВЛ) ҳам кечагисидан тубдан фарқ қилади. Электр сўргичлардан тортиб, дозаторларгача барча ускуна бугунги реанимацияга катта устунлик бераётди.

Илгари беморнинг ҳолати клиник ўрганилган. Ҳозир лабораториядан бошлаб кунлик монитор ёрдамида бир сутка давомида беморда кузатилган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот олинб, оператив даво чоралари белгиланяпти. Бу эса даволаниш муддатини қисқартирди, беморларнинг тузалишини тезлаштирди ва дори-дармонга ортиқча эҳтиёжни камайтирди.

Энди ҳамширалар ҳам хорижга боради

Реанимацион беморларни парваришлад ҳамшираларнинг ўрни муҳим. Бунда катта тажриба, пухта билим, тез ишлаш, ниҳоятда мустаҳкам ирода, ҳар бир беморга индивидуал ёндашув, худди яқинидек кўриб, парвариш қилиш талаб этилади. Ҳамшира ишига тааллуқли вазифаларни билиши ва уларга амал қилиши, ҳар қандай шошилиш ҳолатида касалик сабаблари, белгиларни дифференциал баҳолаш, шошилиш ёрдам чораларини

Пуктаи назар



Юртимизда таълим соҳаси қатор йўналиш ва омиллар, хусусан, таълим ва тарбияга замонавий методикаларни жорий этиш, унинг савиясини хорижий ва миллий тажрибалар асосида халқаро андазалар даражасига кўтариш ҳамда соҳа вакилларини моддий рабатлантириш асосида кенг ислоҳ қилинмоқда.

ТАРБИЯ — ТАЪЛИМНИНГ БИР ҚАНОТИ

Холбой ИБРАГИМОВ,
Қори Ниёзий номидаги
Тарбия педагогикаси
миллий институти директори,
педагогика фанлари доктори,
академик



Бу борада Президентимизнинг жорий йил 21 июндаги “Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳужжатта мувофиқ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти негизида буткул янгича асосда Тарбия педагогикаси миллий институти ташкил этилди.

Таълим ва тарбия қўшқанотдир. Чунки таълим тарбиясиз тўқис ва мукаммал бўла олмайди. Айни шу маънода янги ўқув юртининг Тарбия педагогикаси миллий институти деб қайта номланиши чуқур мазмун ва моҳиятга эга.

Қарорга мувофиқ, миллий институт зиммасига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар тарбияси соҳасида қўлланиладиган илмий-методик таъминотни амалга ошириш, буюк алломамларимиз, хусусан, жадидларнинг мазкур йўналишдаги қарашларини илмий тадқиқ этиш ва ана шу асосда замонавий методикалар ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилди. Шунингдек, ўқувчилар тарбиясида маҳалла ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни янада

“**Я**на бир муҳим янгилик шундан иборатки, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида тажриба-синов тариқасида босқичма-босқич жаҳонда тан олинган ижтимоий-эмоционал таълим (Social and Emotional Learning — SEL) методикаларини жорий қилиш назарда тутилган.”



“**М**актабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари тарбияланувчи ва ўқувчилари учун миллий тарбия йўналишида туркум адабиётлар нашр этилади. Тарбия йўналишида институт томонидан амалга ошириладиган янги лойиҳаларга хорижий экспертлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, олий таълим муассасалари ва жамоатчилик институтлари мутахассислари ҳамда олимлари жалб этилади.”

мустаҳкамлаш, бу борада ота-она ва ўқитувчилар учун ўқув, оммабоп адабиётлар яратишни тизимли йўлга қўйиш каби қатор мақсад ва йўналишлар кўрсатиб берилди.

Яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида тажриба-синов тариқасида босқичма-босқич жаҳонда тан олинган ижтимоий-эмоционал таълим (Social and Emotional Learning — SEL) методикаларини жорий қилиш назарда тутилган.

Қарорда ижтимоий-эмоционал таълим методикаларини жорий қилиш механизми-

лари ҳам белгилаб берилган. Бу жараёнда умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш, ижтимоий хабардорлик, тенгдошлари билан муносабатларни шакллантириш ва масъулиятни қарор қабул қилиш каби 5 та ижтимоий-эмоционал компетенцияга ўргатилади. Ушбу жараёнга ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари ҳам кенг жалб қилинади. Бундан ташқари, ижтимоий-эмоционал таълим методикалари умумий ўрта таълим ҳамда педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларига киритилади. Бу жараёнда, ўз навбатида, институтимиз олимлари ҳам бевосита иштирок этади.

Ижтимоий-эмоционал таълим методикаларини амалиётга татбиқ этиш босқичма-босқич амалга оширилади. Дастлаб бир неча умумий ўрта таълим муассасаси тажриба-синов тариқасида танлаб олинади. Институтнинг малакали ходимлари, хорижий мутахассислар ва педагог кадрлардан иборат бўлган тренерлар гуруҳлари шакллантирилади. Бу методикаларни жорий этиш жараёни институт томонидан доимий мониторинг қилиб борилади. Эришилган натижалар таҳлил этилади, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича зарур чоралар қўрилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда Тарбия соҳаси-

даги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ташкил этилади. Қарорда белгиланганидек, институтнинг илмий тадқиқот йўналишлари энди буткул янгича асосда шакллантирилади. Бунда асосий эътибор тарбия соҳасидаги мавжуд муаммоларга қаратилади.

Институт етакчи хорижий университет ва илмий марказлар билан тарбия методикаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик ўрнатади. Улар билан биргаликда қўшма тадқиқотлар ўтказилади.

Бундан ташқари, мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари тарбияланувчи ва ўқувчилари учун миллий тарбия йўналишида туркум адабиётлар нашр этилади. Тарбия йўналишида институт томонидан амалга ошириладиган янги лойиҳаларга хорижий экспертлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, олий таълим муассасалари ва жамоатчилик институтлари мутахассислари ҳамда олимлари жалб этилади.

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Миллий гвардия билан биргаликда жорий ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “Фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти” мавзусида тарбия ҳафталиклари ўтказиш йўлга қўйилди. Шунингдек, ота-онанинг фарзанд тарбияси бора-сидидаги билиминини оширишга қаратилган “Намунали ота-оналар мактаби” лойиҳаси ҳамда миллий тарбиянинг ҳудудий аъённаларини ўрганиш, тиклаш ва замонавий маънавий-ахлоқий тарбия тизимига жорий қилишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширади.

Жорий йилнинг 1 декабрига қадар ўқувчиларда “хуқуқбузарликка қарши иммунитет”ни шакллантиришда “мактаб — ота-она — маҳалла” ҳамкорлиги заңжирини яратиш бўйича илмий асосланган ўқув ва оммабоп услубий тавсиялар ишлаб чиқиладиган. Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига оид дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган адабиётлар халқчил тилда бўлиши назарда тутилган.

Шу йил сўнгидида “Тарбия — шахс маданияти-маънавий камолотининг мезони” мавзусида халқаро форум ўтказиш белгиланган.

Президентимиз қароридида замонавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида 2025 йил якунига қадар ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун ёшлар тарбиясига оид рақамли контентларни жойлаштириш мақсадида milliytarbiya.uz электрон платформаси ва унинг мобил версиясини ишлаб чиқиш ҳамда замонавий ва қизилқарай контентлар билан тўлдириш вазифаси юклатилган. Шунингдек, институтнинг методик тавсиялари асосида ёшлар таълим-тарбиясига бағишланган подкаст, видеоконтентлар яратиш ва оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш ишларини тизимли ташкил этиш белгиланган.

Институт ҳузурида “Тарбия методикалари” илмий-оммабоп журнали ташкил этиш ҳамда кўп функционал босмахона очиш ҳам назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, тарбия педагогикаси борасидаги тажрибаларни кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш, қўлланилган кўп нусхада чоп этиш ва тарқатилишига имконият яратди.

Ўзбекистон ўз олдида кенг қўламли мақсад ва вазифалар қўйган. Уларни тўла-тўқис амалга ошириш келгуси авлодларимиз олаётган таълим ва тарбияга бевосита боғлиқ. Билимни ва тарбияни ёшлар мамлакатимиз келажиги, олдимида қўйилган улуғвор мақсад ҳамда вазифаларимиз рўбга ошишининг мустаҳкам қафолати саналади. Бугунги кунда буткул янгича асосда ташкил этилган ва шаклланаётган Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти ана шу жараёнга муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Таълим ва тарбиянинг ҳам замонавий, ҳам миллий анъана ва қадриятларига асосланган янги методикаларини ишлаб чиқади ҳамда амалиётга татбиқ этади.

